




ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 21 август, сешанба № 129 (1143)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



МЕХНАТ БОЗОРИ

ишсизлик муаммосини ҳал этишда муҳим рол ўйнамоқда

Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси иш ахтарувчиларга катта имкониятлар эшигини очди. Янгиер шаҳри ва Бёвут туманида бўлиб ўтган меҳнат бозорига юзлаб кишилар янги иш ўринларига эга бўлишди.

Вилоятда ишсизлик муаммосининг олдини олиш, доимий меҳнат билан машғул бўлиш истагида бўлганларга қўмақлашишга катта эътибор қаратилапти. Шу мақсадда бир қатор туманларда ўтказилган меҳнат бозори кутилган натижани бермоқда. Янгиер шаҳрида бўлиб ўтган ушбу тадбирда талаб ва таклифлар кўп бўлди. Унда 57 корхона ва ташкилотнинг 21 таси иштирок этди. Йирилганларга 182 та бўш иш жойлари таклиф этилди. Иш қидираётган 117 нафар фуқаро рўйхатга олинди. Уларнинг 63 нафари шу кунги ишга жойлаштирилди. 10 нафари эса касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга юборилди. 9 нафар ишсиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 33 кишига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ва бошқа норматив ҳужжатлар тўғрисида батафсил тушинтириш берилди. Шу кунги шаҳар «Сувоқава» корхонаси, Янгиергаз идораси, Марказий касалхона жамоаси меҳнат бозори фаол иштирокчилари деб топилди.

Бёвутда ҳисобга олинган 61 нафар фуқаронинг 30 нафари ўзига муносиб ишга жойланди. 30 нафари қайта ўқитиш, билим ва маҳоратини оширишга йўналтирилди.

— Меҳнат бозорининг аҳамиятини ҳозирча ҳамма ҳам тўғри англаб етгани йўқ, — дейди Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қўчқор Ҳасанов. — Таклиф қилинган ташкилотларнинг баъзилари бу оммавий тадбирдан ўзларини четга олишга ҳаракат қилишди. Ахир бўш иш ўрини танлов асосида тўлдириш жамоага фақат ютуқ келтиради-ку.

Меҳнат бозорининг афзаллиги шундаки, унда иш танлаш, кишиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб топиш имкони яратилган.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Бухорода республика IV миллий фильмлар фестивали бўлиб ўтмоқда.

17 август кун кечқурун фестивал катнашчилари ва кино санъати муҳлислари байрамона безатилган амфитеатрга тўпланди. Бу ерда республика IV миллий фильмлар фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

БУХОРОДА ФЕСТИФАЛ

Фестивални Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов очди. Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари А.Мелибоев миллий кинонинг ўзлгимизни англаш, маънавиятимизни бойитишда ва ёшлар камолотида тутган бекиёс аҳамияти хусусида гапирди. «Ўзбекино» давлат-акционерлик компанияси раиси Мурод Мухаммад Дўст фестивал шунчаки байрам тадбири бўлмай, киночиларимизнинг халқимиз олдидаги ижодий ҳисоботи эканини, томошабин олдидаги масъулият ижодкорларни бадиий баркамол фильмлар яратишга даъват этаётганини таъкидлади. Тантанали равишда фестивал байроғи кўтарилди. Шундан сўнг республикамизнинг таниқли кино ва эстрада артистлари фестивалга бағишланган шоу-томоша намойиш этди.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ўтаётган анжуманда кино санъаткорларимиз томонидан яратилган бадиий фильмлар, «Истиклол фидойилари», «Табаррук замин», «Фикҳ олами султони» каби илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилинмоқда.

Илҳом САФАР, ЎЗА мухбири

Иқтисодиётни риволантириш муҳим омилларидан бири бу кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни йўлга қўйишдир. Буни теран англаган фарғоналиклар қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. «Чимён Форум» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси Фарғона туманида тадбиркорлик билан ўз имкониятларини кенгайтириб бораётган корхоналардан. У ерда мрамар тош ҳамда 14 хилдаги плиталар тайёрланади. Курилиш ашёлари юқори сифати ва безаги билан буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, фирма қошида тикувчилик цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унда кўлқоп, махсус кийим-кечаклар ва халк истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилапти.

Суратларда: лаборант Фотима Эшонқулова; ишчилар Баҳром Нодиров ва Малика Абдуллаева тайёр плиталар сифатини кўздан кечиришмоқда. М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бундан бир неча йил олдин Урганч туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигига йўлни тушган эди. Кетаверишдаги икки томоннинг ташландик ҳолда, қаровсиз ётганидан ҳайрон қолгандим. Яқинда шу ёққа яна ўтдим. Не кўз билан кўркам бино қад ростлабди.

Саратоннинг сели айни авжига чиққан палла. Бунёдкорлар шиддат билан ишлашди. Бу қандай бино экан, деб қурувчилар олдида келдим.

— Қураётганимиз — коллеж, — дейди идора иш юритувчиси Нурилла Худойберганов. — Эрта-индин биткази арафасидамиз.

Нурилла аканинг айтишича, коллеж биноси қурилишига вилоят «Профколлеж» дирекция-си буюртмачи экан. Қурилиш ишларини эса «Аму-Шарқ» масъулияти чекланган жамият аъзолари олиб боришди. Бинони айланамиз. Талабалар учун барча шароитлар му-

ҳайё. Спорт зали, ошхона, ётоқхона, клуб, маъмурий бўлим, иссиқлик узатиш хонаси... Хуллас замонавий андозадаги ўқув биноси.

— Ҳозиргача 1 миллиард 400 миллион

сўмлик иш бажарилди, қолган 400 миллион сўмлик иш асосан бинони пардозлаш, замонавий ўқув жойлари ва турли хил компьютерлар ўрнатишдан иборат, — дея қўшимча қилади Нурилла ака.

Айни пайтда замонавий коллеж биноси қурилишида Урганч қурилиш-монтаж, «Сантехмонтаж» бошқармалари, Урганчдаги 285-, 295-механизацияланган кўчма жамланмалар, «Хоразмавтоўл» хиссадорлик бирлашмаси ишчи-хизматчилари ҳамкорликда ишламоқдалар. Қурувчиларнинг орзу-ниятлари ягона — Мустақилликнинг 10 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлаш. Ҳадемай, 750 нафар талаба ўзлари учун барча шарт-шароитлар яратилган мазкур мухташам ўқув юртида ўқишни бошлаб юборадилар.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ТАЛАБАЛАРГА СОВҒА



Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

Одамлар хизматида бўлиш, эҳтиёжини қондириш матлуботчилар фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади. Бунга эришишнинг биринчи шарты жамоа аъзоларини ижтимоий химоялаш, уларга қулай иш шароити яратиш, савдо хизмати кўрсатишни, ишлаб чиқаришни давр талаблари даражасида ташкил этишдир.

САВДО РАСТАЛАРИДА ТЎКИНЛИК

Шуни эътиборга олиб кейинги уч-тўрт йилда тўқизта замонавий дўкан, иккита умумий овқатланиш корхонаси ва битта қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини қуриб ишга туширдик, — дейди Янгийўл туман «Матлуботсавдо» акционерлик жамияти раиси Рустамбек Ҳамробоев. — Шу билан бирга юртимиз, кишлокларимизнинг кун сайин очилаётган чиройига мослаб қолган савдо шохобчаларини ҳам ташқи ва ички томонини пардоздан чиқардик. Бунинг учун ортиқча маблағ сарфламай барини хашар усулида ўз кучимиз билан таъмирладик ва жиҳозладик.

Истеъмом бозорини кенгайтириш, аҳоли талабини тўла қондириш мақсадида бултур марказлашмаган манбалардан 56 миллион сўмлик озиқ-овқат ва ноузиқ-овқат маҳсулотлари келтирилди сотилди. 243 тонна кишлоқ хўжалик маҳсулотлари республикамиздан ташқарига чиқарилди ва унинг ўрнига қурилиш

материаллари ҳамда кимё ашёлари олиб келинди. Бу уй-жой қураётганлар мушкулини осон этди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йилги ишхўжатларини қизкиб ўргандик ва ўзимизга дастуруламал этиб белгиладик. Дарвоқе, йилги ишхўжат айрилган гаплар, билдирилган фикрлар биз учун ҳам жуда муҳим. Чунки фаолиятимиз тадбиркорлик, ишбилармонлик билан чамбарчас боғланган.

Дарҳақиқат, мазкур жамиятда тадбиркорлик, ташкилотчилик кўрсатиб иш юритиш қувончли натижалар келтирмоқда. Утган йили туман аҳолисига 836 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатилган эди. 27 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди. Самардорлик 2,68 фоизни ташкил этди. Акцияларнинг ҳар 1 сўмига 1,08 сўмдан дивидент тўланди. Яна бир эътиборли жиҳати, кам таъминланган оилалар, ёлғизлар, ноғиронларга 1700

даги кўзи ожизлар жамияти, мактаб ва боғчага моддий ёрдам кўрсатдик. Жамиятимиз ходимлари меҳнат таътилига чиқса, бир ойлик маоши миқдоридан ёрдам пули билан таъминланади. Уртача ойлик бизда 16 минг сўм. Ишлаб чиқаришда банд бўлганлар эса 25 минг сўмгача олишади. Касабақўм ҳисобидан жамоамиз аъзоларининг 6 нафар ўғил-қизи биринчи, ўн нафари иккинчи, ўн нафари учинчи навбатда оромгоҳларда ҳордик чиқарди. Ўн нафар ходим сихатгоҳларга бориб саюматлигини яхшилади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини ушбу жамоа меҳнат ахли ҳам муносиб ютуқлар билан нишонламоқда. Шу йилнинг олти ойида товар айланиши 635 миллион сўмга чиқди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, соф фойда 40 миллион сўмини ташкил этмоқда. Бу 2000 йилнинг шу даврига нисбатан 185 фоиз ўсишга эришилди, дегани. Шунингдек, ишлаб чи-

қариш кўлами ҳам ортмоқда. Амалдаги йилнинг биринчи ярмида 1539 тонна нон, 28,6 тонна қандолат, 37,4 тонна макарон маҳсулотлари, 25,3 тонна музқаймоқ ва 25,5 минг декалитр яхна ичимликлар савдога чиқарилди ва сотилди. Ундан ташқари уч жойда нон корхонасининг махсус дўконлари ишга туширилди. Бундан марказдан узокда яшовчи янгийўлликлар мамнун бўлишмоқда.

— Келгуси режаларимиз ҳам катта, — сўзбатни давом эттирди Рустамбек ака, — аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бўрдоқчилик фермаси ташкил этдик. Ҳозир у ерда 50 бош қорамол боқилапти. Йил охиригача жониворларни 100 бошга етказиш ҳаракатидамыз.

Бир сўз билан айтганда, савоб ишларга доим камарбастамиз. Яқинда 3 миллион сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар олиб келинди. Унинг бир қисми серфарзанд ва кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Шу билан бирга бундан буён ҳам оталигимиздаги муассаларга қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Ота-боболаримизнинг бу дунёда меҳр қолур, оқибат қолур, деган нақлига амал қилиб меҳнат қилапмиз.

Равшан БОБОМУХАМЕДОВ, «Ишонч» мухбири.

КРЕДИТГА АВТОБУСЛАР

«Корақалпоқтранс» автотранспортчилар уюшмаси жамоаси жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 863 миллион сўм даромад қилиб, 32,5 миллион сўм фойда кўрди.

— Кредитга янги автоуловлар олдиқ, деди уюшма раисининг ўринбосари К.Ўтениязов. — Масалан, «Асакабан» дан олинган кредит ҳисобидан «СамКоч-Авто» қўшма корхонасидан 49 та «Отыйўл» автобуси, «ЎзДЭУАвто» қўшма корхона-

сидан 26 та «Дамас» автомашиналар олиб келинди. Натижада корхоналаримизда кунлик даромад кўпаймоқда. Йилнинг охиригача «Жаҳон банк» кредити ҳисобидан замонавий 50 донна автобус олиш режалаштирилмоқда.

К.Ўтениязовнинг айтишича, олинган фойданинг бир қисми бунёдкорлик ишларига сарфланапти. Масалан, шу кунларда Хўжайли туманида янги шохобка қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. «Туркистон-пресс».

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

ОЙЛИК МАОШНИ ПАЙСАЛГА СОЛГАН КИМ?

Жиззах шаҳридаги Ш.Рашидов номли очик турдаги пахта йиғирув хиссадорлик жамиятида маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғи Наталья Яковенко ўз хоҳиши билан вазифасидан бўшашга ариза берди. Буйруқ ҳам чиқди. Лекин маъмурият томонидан унинг меҳнат дафтарчаси ва иш ҳақи берилмай «Эрта кел, индин кел» деб пайсалга солинаверди. Нима сабабдан ишдан кетишга мажбур бўлганини у қуйидагича изоҳлайди:

— Ишга шу йилнинг 1 мартда келганман. Маошдан нолимайман. Ишдан кетиш ниятим йўқ эди. Аммо ойлик маошнинг 3-4 ой кечиктириб берилиши кўпчилик қатори мени ҳам қийнаб қўйди. Чунки 2 нафар фарзандим бор. Уларни едириш-ичириш, кийинтириш ва ўқув қуроллари сотиб олиш керак. Ёлғиз онаман, ойликдан бошқа даромадим йўқ. Иш ҳақини сўраб кирсанг раис муовини Владимир Кузьменкодан ўшқиритишдан

бошқа гап эшитмайсан. Раҳбарлар хонасига киришга беэилаб қолганман. Очиги, қуруқ ваъдалар жонга теғди.

Натальянинг таъкидлашича, шу йилнинг 17 июл кунги шаҳар прокурорига ҳам ариза билан мурожаат қилган бўлишди.

Газета саҳифаланаётганда Жиззах вилояти тўрмоқ қасаба уюшма кўмитасининг раиси Комилжон Ҳақбердиев таҳририятимизга қўнғирок қилиб, Н.Яковенконинг иш ҳақи тўлиқ ундириб берилганлигини маълум қилди.

Ортик САИДОВ, «Ишонч» мухбири.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ўтган ўн йил мобайнида касабалар уюшмалари ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирган воқеалар, ижобий ўзгаришлар кўп бўлди. Жумладан, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг ажралмас қисми бўлган Оролбўйи ҳудудидаги касабалар кўмлар ҳам замон талабларига мос равишда фаолият юритишга астойдил ҳаракат қилди. Айниқса, машҳур беш тамойилнинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди.

ломатлиги мустақамланди. Маълумки, Оролбўйи мушкул экологик вазиятда яшаётган меҳнатқашларнинг саломатлигини мустақамлашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёсдир. Буни яхши тушуниган касабалар уюшмаларининг



Ёшлар — мустақиллигимиз, эртанги кунимиз таянчи. Бинобарин уларни ҳар томонлама баркамол, юксак эътиқодли этиб тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланади. Жумладан, касабалар уюшмаларининг ҳам, Бухоро вилояти касабалар уюшмалари Кенгаши ҳам ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини изчил ўтказиб боришига алоҳида эътибор берапти. Шу мақсадда жойлардаги маънавий ва маърифат марказлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси ва қўллаб-қувватлаш ташкилотлари билан мустақам ҳамкорликда фаолият кўрсатишга интилоқдамиз.

ча 21288 нафар боланинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли дам олишини ташкил қилишга эришилган бўлса, жорий йилда бу ишга янада эътибор оширилди. «Оналар ва болалар йили»да 65 та мактабда оромгоҳларида 4200 нафар, 20 та шаҳар орти оромгоҳларида 3582 нафар (жами 7782 нафар) болалар хордиқ чиқариш-

МЕХНАТҚАШ МАНФААТИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Шу мақсадга йўналтирилган ишларни изчил олиб бориш Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши билан касабалар уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган ўзаро Келишувда ўз ифодасини топти. Унга биноан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги хўжалик юритиш механизмининг жорий этиш, маблағ-пул айланишини барқарорлаштириш, иш ҳақини вақтида берилиши, корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари асосий ҳаракат дастури бўлди. Энг муҳими, 386 минг нафар касабалар уюшма аъзоларининг ишга бўлган муносабати, жамоа шартномаларининг бажарилишида фаол қатнашиши бир мунча яхшиланди. Натигада ижро назорати кунайди. Масалан, Алоқа ходимлари касабалари билан иш беришнинг ўртасида қабул қилинган шартнома ҳар бир ходимнинг турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қилди. Аниқроқ айтганда, шартномада белгиланган тариф ставкаси 2,5 бараварга кўпайтирилиши, йўл ҳақи, овқатланиш учун компенсациялар бериш, пенсияга чиқаётган ходимларга ойлик иш ҳақининг беш ҳисса миқдорига моддий ёрдам кўрсатиш сингари бандлари тўла бажарилди. Бундай мисолларни бошқа касабалар уюшмалари фаолиятининг ҳам қўллаб-қувватлаш мумкин.

поғистон халқларига жуда катта ғамхўрлик кўрсатилди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 июндаги 249-сонли қарори эса экологик мураккаб шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Оролбўйи ҳудуди аҳолисига яна бир амалий ёрдамнинг ёрқин намунаси бўлди. Ушбу ҳужжатни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича касабалар уюшмаларининг жойлардаги ташкилотлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юқланди. Жумладан, 15 минг нафар ўғил-қиз ва 3 минг нафар аёл мамлакатимизнинг энг сўлим оромгоҳлари, санаторий-профилакторийларида дам олиб, саломатликларини мустақамлашди. Бу борада 12 та республика касабалар кўмитасидан ташқари, Байналмилал жангчилар уюшмаси ҳамда Меҳрибонлик уйлари маъмуриятлари фаол қатнашганини таъкидлаш лозим.

Олиб бориладиган катта қўламдаги ташкилий ишлар самараси ўлароқ Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг оромгоҳларида 15 минг 113 нафар қорақалпоғистонлик ўғил-қизлар ёзги мавсумни кўнгиладигидек ўтказиб қайтишди.

«Оналар ва болалар» йилида республикамиздаги 32 та соғломлаштириш болалар оромгоҳларининг бир маромда ишлаши таъминланди. Уларда 41 минг 450 нафар бола ёзги таътилини яхши ўтказди. Айниқса, Эликқалъа туманида жойлашган «Оролбўйи болалар» ўқув-соғломлаштириш маркази, шунингдек, «Лочин», «Роҳат», «Олтин дон», «Юлдузча», «Орол», «Оқ олтин» оромгоҳлари жамоалари ибратли фаолият кўрсатди.

Мустақиллик йилларида Чимбой туманидаги «Гулпарши» ва Эликқалъа туманидаги санаторий-профилакторийлар фойдаланишга топширилиб, минг нафардан кўпроқ меҳнатқашнинг са-

«Қорақалпоғистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти катта ҳажмдаги ишларни бажармоқда. Айни пайтда 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ишлаб турибди. Бундан ташқари, 453 жисмоний тарбия ва спорт жамиятларини бирлаштирган икки шаҳар, 15 та туман Кенгаши узулқисса фаолият кўрсатаётди. Улар томонидан фақат кейинги икки-уч йилда 150 та спорт тадбири, спартакиадалар, турнирлар, мусобақалар ўтказилди. Спортчиларимиз мамлакат миқёсида ташкил этилган қатор мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, ногиронлар ўртасида «Жасорат-Ирода-Ғалаба» спартакиадаси ташкил этилганини катта воқеа сифатида тилга олиш мумкин. Юксак савияда ўтказилган маъруза тадбирлари билан тўла таъминланди. Касабалар уюшмалари тармоқлари ўртасида талаба ёшларининг эстрада ва мақом бўйича «Ўзбекистон — Ватаним меним», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» курик-танловлари ўтказилди. Улар мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда ҳақиқий иқтидорли ёшларни саралаш ҳамда уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Вилоятда «Мактаблар кўми» ўтказилиши муносабати билан ўқитувчи-педагог ва хизматчиларнинг ижтимоий, иқтисодий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, мактабларга турли анжомлар, спорт жиҳозлари, ўқув дарсликлари, адабиётлар олиб бериш, кам таъминланган оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш, уларни стипендиялар билан таъминлаш, оммавий, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш учун касабалар уюшмалари томонидан фақат шу йилнинг ўтган ойларида 11 миллион сўмликка яқин маблағ

ЁШЛАРНИ СПОРТГА ОШНО ЭТИБ

Бугунги авлоднинг маънавий камол топишига ўз ҳиссасини қўшаётган касабалар уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан ўқув муассасаларидаги маънавий хоналари Президент асарлари, маърифий адабиётлар билан тўла таъминланди. Касабалар уюшмалари тармоқлари ўртасида талаба ёшларининг эстрада ва мақом бўйича «Ўзбекистон — Ватаним меним», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» курик-танловлари ўтказилди. Улар мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда ҳақиқий иқтидорли ёшларни саралаш ҳамда уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилди.


Вилоятда «Мактаблар кўми» ўтказилиши муносабати билан ўқитувчи-педагог ва хизматчиларнинг ижтимоий, иқтисодий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, мактабларга турли анжомлар, спорт жиҳозлари, ўқув дарсликлари, адабиётлар олиб бериш, кам таъминланган оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш, уларни стипендиялар билан таъминлаш, оммавий, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш учун касабалар уюшмалари томонидан фақат шу йилнинг ўтган ойларида 11 миллион сўмликка яқин маблағ

сарфланди. 2000-2001 ўқув йилида вилоятдаги кам таъминланган 14 нафар иқтидорли ўқувчи-ёш, шунингдек, олий ва ўрта-мақсус ўқув юрларининг 40 нафар талабаси касабалар уюшмаси стипендияларига сазовор бўлишди. Кенгаш меҳнатқашлар, жумладан ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий тарзда жалб этишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Касабалар уюшмалари тасарруфида бўлган (3 та қишлоқ ва 3 та шаҳардаги) болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида вилоятимизнинг 1650 нафар ўсмир ўғил-қизлари футбол, волейбол, бокс, теннис, стол тенниси, энгил атлетика, миллий кураш, шахмат-шашка каби спорт турлари билан шугулланмоқдалар. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, касабалар уюшмалари спортнинг вакиллари нуфузли Халқаро мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйналарининг иштирокида Шавкат Шарипов, юнон-рум кураши бўйича Осиев чемпион Шухрат Саъдиевлар номини нафақат вилоятга, балки республикада ҳурмат билан тилга олишди.

«2000 йил — Соғлом авлод йили» да вилоят бўйича 21288 нафар боланинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли дам олишини ташкил қилишга эришилган бўлса, жорий йилда бу ишга янада эътибор оширилди. «Оналар ва болалар йили»да 65 та мактабда оромгоҳларида 4200 нафар, 20 та шаҳар орти оромгоҳларида 3582 нафар (жами 7782 нафар) болалар хордиқ чиқариш-

Яқинда Хонқа дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти қошида «Мева» — Ўзбекистон-Италия қўша корхонаси фаолият кўрсата бошлагани эди. Айни пайтда мазкур корхонада олма, нок, ўрик, олхўри, сабзи, помидор шарбатлари ва кетчуп томат пастаси ишлаб чиқарилаётган. Корхона маҳсулотлари нафақат республикамиз истеъмолчиларига, балки қўшни давлатларга ҳам етказиб берилмоқда. Даромад ҳам шунга яраша бўлган. Бу ерда ишловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Суратларда: 1. Операторлар Жасур Қурбонов ва Ҳамдам Собиров. 2. Корхонада тайёрланаётган мева шарбатлари ана шундай ажайиб ускуналарида қадоқланади.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ОЛИС ОВУЛДА ШИФО МАСКАНИ

Томди туманидаги олис «Аяққудук» ширкат хўжалигида маҳсулотни қайта ишлаш цехи иш бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Бироқ, 22 нафар киши меҳнат қилаётган бу корхона ишлаб чиқарган маҳсулотлар — кўрпа, кигиз, коржом, телпак ва тўнлар тезда харидорнинг бўлиб кетди. Айниқса, туя жундан тайёрланадиган либосларга чулликларнинг ҳаваси баланд.

Хўжалик маъмурияти чорва моллар учун туз тайёрлайдиган кичик корхона очишни ҳам режалаштирмоқда. Чунки, хомашё ўзларида сероб, харидор ҳам бор. Атрофдаги чорвачилик хўжаликларида йодланган бундай маҳсулотга эҳтиёж катта. Энг муҳими, 29 нафар кишига янги иш ўринлари яратилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, олис овулда ўтган йили янги бозор фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда сарғарошхона, этикдўзлик, телерадио устанонаси, 2 та ошхона, савдо расулотлари қурилмоқда. Қўлимбет фермасида 1999 йилдаёқ замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга тушган. Байрам арафасида Аяққудук овули меҳнат ахли яна бир қувончли воқеанинг шохиди бўлди. Бу ерда 100 ўринли автомат-телефон тармоғи ишга туширилди. Мустақиллик байрамига шаҳарлараро алоқа йўлга қўйилди. Шунингдек, бу ерда Ёшлар боғи очилди. Охириг беэак ишлари бажарилган, қишқи клуб ҳам ишга туширилди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

Бозор талаби катъий. Хар бир режа расамади билан бажарилса ишда унум бўлади. Яшаш шартини, моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириб юқори кўрсаткичларга эришяётган ишбилармонлар кўп.

Абдулла ака оиласи Косон шаҳрининг Янгиобод маҳалласида яшовчи сарфазанд хонадонлардан. Умр йўлдоши Замира опа Очилова билан 6 ўғил, 1 қизни тарбиялаб вояга етказишди. Ҳўжабардай жонни боқиб, уларни ҳеч қандам камситмай едириб-чириши осон эмас. Эллик ёшли оддий қишлоқ фарзанди кўп ўйлаб ўтирмади. Замон талабидан келиб чиқиб, бундан беш йил муқаддам ўз уйда «Қиличбек» хусусий корхонасини очди. Корхона бир кеча-кундузда 1,5 тонна нон, 200 килограмм қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бундан ташқари 30 оила асарларини ҳам бор. Ундан хар йили 1200 ки-

лограм асал олинмоқда. Деҳқон бозорига савдо дўкони ишлаб турибди. Тайёрланган маҳсулотларни сотади. Тадбиркор мадан халласидаги 23 кишига иш топиб берган. Бугун биз бошқа бир ижтимоий мавзуга — тадбиркорнинг оила бюджетини ҳақида тўхталмоқчимиз. Чунки, у миллий давлатчиликнинг оиланинг фаровонлиги, барқарорлиги, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши учун замин бўлиб хизмат қилади. — Бюджетимиз оиламиз даромад ва харажатларини ўз ичига олади, — дейди Абдулла Нарзуллаев. —

Давлат бюджети сингари унинг ҳам қирим-чиқим қисми бор. Топилган маблағни ўз ўрнида тежамкорлик билан сарфлаймиз. Ортиқча харажатларга йўл қўйилмайди.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

овқат маҳсулотлари исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Тўй, томошалар ҳам расамади билан ўта-

фондада сақланади. Бу маблағ оила бошлигининг ихтиёрида туради.

Бундан ташқари, оила аъзоларининг даволаниши,

ТАДБИРКОРНИНГ ОИЛА БЮДЖЕТИ

ди. Тежамкорлик, саранжом-саришталлик, ҳисоб-китобни бошқариш катъий тартибга солинган. — Олинган соф фойда қандай мақсадларга сарфланмоқда? — сўраймиз оила бошлигидан. — Фойда ҳисобидан ўғлимиз Отабекни тўлов контракт асосида ўқишга юбордик. Вояга етиб келаятган 3 фарзандимизга Косон шаҳридан томорқа сотиб олиб ўй-жой қурдик. Оилада харажатларнинг аниқ ҳисоб-китоби бор. Солиқ ва коммунал тўловларидан, хом ашё сотиб олишдан ортиб қолган маблағ оиланинг бўлиммас

ижтимоий ҳимояланиши, сафар харажатлари, болалар учун дарсликлар, ўқув куроллари, бадий китоблар олиш учун ҳам маблағ ажратилган. — Абдулла ака қўли очик киши, — дейди маҳалла оқсоқоли Хайрулло ака Саидқуллов. — Маҳалламиздаги футбол жамоасини оталиққа олган, маблағ билан таъминлаб туради. Яқинда ўтказилган футбол ва шахмат-шашка мусобақаси қатнашчиларини қимматбахо совғалар билан тақдирлади. Тадбиркор отанинг фарзандлари Қиличбек, Отабек, Умид, Юлдуз, Акмал, Қувват унинг яқин ёрдამ-

чилари ҳисобланади. Ишчан вазият, тотувлик ва осойишталик оиланинг иқтисодий ва маънавий мустақамлигига асос бўлмоқда. — Даромадимиз янада кўпаяди, — дейди Абдулла ака Нарзуллаев. — Туман ҳокимлигига корхонамизга ер ажратишларини сўраб талабнома билан чиқдик ва сизир олиб чорвачиликни йўлга қўямиз. Сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-чева етиштирамиз. Тадбиркорнинг топиш-тутиши, яшаш шартини яхши. Лекин, бу ортиқча исрофгарчилик дегани эмас. Ҳамама нарсада меъёр бўлиши керак. Ортиқча дабдабанинг ҳожати йўқ. Шунинг учун ҳам қосонликлар хусусий тадбиркор, оддий ва камтарин инсон Абдулла Нарзуллаевлар оиласига ҳавас қилишди. **Иzzат ҲИҚМАТОВ,** «Ишонч» муҳбири.

ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Нукус туманида соатига 10 тонна томат ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ишга тушди. Янги корхона Италиянинг «Альберто Бертуцчи» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун 2 миллион 270 минг АКШ доллари миқдорига сармоа сарфланди. Корхона Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар билан ҳам ҳамкорлик қилишни режалаштирган. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинади.

МАВСУМГА ШАЙ

Ўзбекистон туманидаги пахта тозалаш корхонаси йигим-терим мавсумида 38 минг 157 тонна хомашё қабул қилиб олади ва қайта ишлайди. Айни кунларда бу ерда мавсумга жиддий тайёргарлик қўриломоқда. Яйпан, Қудаш, Қўқон ва Навбахор пахта қабул қилиш пунктларидаги хирмон майдонлари янги ҳосил учун шай қилиб қўйилди. Тикувчилик цехида тайёрланган 102 минг этак қўшни Бешариқ ҳамда Қўқон пахта тозалаш корхоналарига етказиб берилди. Корхонада хомашёни сифатли қайта ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, цехларга «ВЗП-1200» русумли янги чанг тутғичлар ўрнатилди. Бу эса қайта ишлаш жараёнида кўтариладиган чангни 95 фоизгача ушлаб қолиш имконини беради.

Бир фармон шарофати

БУГУНГИ ДЕҲҚОН УЙЛАРИ

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан кейин одамларнинг турмуш кечиришлари учун жаннат меваларининг еттидан бири ерга ҳада этилган, дейишади. **Металлурглр шахри Бекобод бозори** расаларини айлансангиз нафис ранглрда товланётган мева, полиз, сабзавот маҳсулотларини кўриб ана шу гаплр ёдингизга келади.

— Хос кишлрғиданман, — дейди Адолат Норбоева. — Ойлик машаққат кўз тикиб ўтирмаймиз. Турмуш ўртоғим, ўғиллар ишга кетади. Келинлар томорқамизда экинларга қарашади. Мен бозордаман. Ўн сотих ерга экканларимиз кунлик харажатларни бемалол қоплайди. Ўтган йили 150 минг сўм фойда кўрдим. Хукуматимизга раҳмат, катта ўғлимга 15 сотих ер беришди. Иморат тиклаганмиз. Ана шу томорқадан ҳам ҳозиргача 200 минг сўмга ақин даромад олдик.

Ғойибназар Эрназаров туман марказида яшайди. Шу ердаги педагогика билим юртида ўқитувчи. 8 сотих томорқа ерида турли хил сабзавотлар етиштиради. Ҳамма нарса ўз эҳтиёжларини ҳисобга олиб, экилади. Ҳозир ер майдонининг кўпроқ қисмига чорва учун маккажўхори иккинчи ҳосил сифатида экилган.

— Ака-ука ёнма-ён уй кураямиз, — дейди Улуғбек Мусаев. — Дала

ишларидан бўш вақтларимизда иморатни тикляпмиз. Укам Маъмуржон билан биргалиқда 6 сотихдан ер майдонига рўзгоримиз учун зарур нарсалар — картошка, сабзи, помидор экканмиз.

Бекобод туманидаги кишлрқлар 13 та кишлрқ фуқаролар йиғинига бирлашган, унда 126 минг нафар киши истиқомат қилади. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 мартдаги «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони асосида ўша йилнинг ўзида 180 хўжаликка 18 минг 500 квадрат метр томорқа ери ажратилди. Келаси йили бундай имкониятдан 190 ёш оила баҳраманд бўлди. 1999 йилда 302 та, бултўр 283 та, жорий йилнинг ўтган ойларидан 95 та янги хонадон ўз ер майдонига эга бўлди.

1050 оила мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириб, эҳтиёждан ортганини бозорга олиб чиқишяпти. Бозорнинг тўқинчилиги эса нархларнинг арзонлашувига олиб келмоқда.

2001 йил биринчи ярими якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Президентимиз шундай деган эди: «Ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган, давлатга бутунлай қарам, мени давлатнинг ўзи боқади, дея боқимандалик кайфияти билан яшайдиган ҳолатдан ўзининг ҳалол меҳнати билан қўлга киритган, ўзининг ҳам, болаларининг ҳам фаровонлигини таъминлайдиган мулкка эга бўлган, биринчи галда, ўз кучи, билими, тажриба ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш — буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёндир.

Мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдирини, мана шу жараёни қай даражада муваффақиятли амалга ошира олишимизга боғлиқ. Буни барчамиз, чуқур тушуниб олишимиз даркор».

Т. ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

КИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

Қорақалпоғистоннинг энг чекка туманларидан бири - Бўзатовда кишлрқ хўжалигига ихтисослашган янги коллеж фойдаланишга топширилди. **Замонавий меъморлик услубида** бунёд этилган коллеж 450 ўқувчига мўлжалланган

бўлиб, кенг ва ёруғ синф хоналари, компьютер заллари, спорт мажмуиға эга. Кутубхона ва 100 ўринли ётоқхона қурилиши жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Коллежга янги ўқув йилида 200 ўқувчи қабул қилиниб, улар 5 та мутахассислик бўйича сабоқ олади.

(ЎзА).


Маҳалланг отанг, онанг

Бу гўшага қадам ранжида қилишингиз билан мевали ва манзарали дарахтлар, сўлим масканлар эътиборингизни тортади. **Исмй жисмига мос «Мевазор» маҳалласига кўплр бежиз хавас қилишмайди.** Одамлари аҳил, ҳамжихат, кексалари иззатда. **Сўнги йилларда ибрат олса арзигулик анъаналар ҳаётга кенг жорий этиляпти.** Оксоқоллар кенгаши раиси **Ғиёс Азимовнинг таъкидлашича, «Ўз уйингни ўзинг асра» шиориға қатъий амал қилиняпти.** Ҳар бир хонадондаги муҳит, маҳаллага келиб-кетувчилар доимий эътиборда бўлади. **Бирон оила фарзанди ноҳўя харакат қилса, ўша куни Анормат ота Давлетов, Наби ота Тўлаганов, Убайдулла ота Алимов, Аббосхон ота Нигмонхонов каби фаҳрийлар, Йўлдош Абдуллаев, Зиёвуддин Ғуломов, Фаҳриддин Тоҳиров сингари олимлар уни ўртаға олиб, панд-насихат қиладилар. Лозим бўлса, кўплашиб амалий ёрдам, мадад кўрсатилади.**



Маҳаллада осойишта ҳаётни таъминлаш, тўю тантаналарни камчиқим, бир умрга эсда қоларлик қилиб ўтказиш учун фаоллар фидойилик кўрсатмоқда. Бу ўринда Яхёназар ака Иброҳимовнинг ташкилотчилиги, қатъиятлиги муҳим омил бўла-

ЮРТ ИШИГА КАМАРБАСТА



ладан, сўнги йилларда маҳалла оилаларида кўйди-қиди сезиларли даражада қамайди, кўп ўринларда энди чалларилар бўлиб ўтказилмапти. ЗАГС тантаналари никоҳ кечаси тўйхонанинг ўзида бўлиб ўтмоқда. Бу ортиқча сарф-харажатларга, ўринсиз дабдabalарга чек қўйди.

Биз қарийб қирқ йилдан бўён юрт ишиға камарбаста бўлиб келатган оксоқоллар кенгаши раисининг ўринбосари **Абдувоҳид Зафаров** ҳамда тўйларни ўтказиш комиссияси раиси **Аҳмад Турдиевлр** билан мулоқотда бўлдик. Уларнинг эътироф этишларича, Собир Раҳимов туманидаги «Мевазор» маҳалласида ўзаро талабчанлик, ҳамжихатлик муҳити юзага келди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, уруш ва меҳнат фаҳрийлари, табаррук инсонлар билан ўтказилаётган учрашувлар, жонли мулоқотлар ёшлар тарбиясида ижобий рол ўйнамоқда.

— Шу боис бўлса керак, — дея таъкидлайди **Абдувоҳид ака**, — ёшлар ўрта-сида ярамас оқимлар таъсирига берилганлар, йўқ-

Йигит ва қизларимиз ўзларининг фидойи меҳнати, Ватанга, халққа чексиз садоқати билан барчани хушнуд этишмоқда. Биз бир болага етти қўшни ота-она, деган нақлга қатъий амал қиламиз. Ерданга муҳтож, боқувчисини йўқотган кимсалар муштахам ижтимоий Ҳимояга олинган. Яқинда эҳтиёжманд оилаларға мадад пули тарқатилди. Бу савобли ишдан саховатпеша кишилар, тадбиркорлар ҳам четда қолишаётгани йўқ.

Маҳалла ҳаётидаги янгиликлар, қувончли ўзгаришлар, ўтказиладиган суҳбатлар, кечалар маҳалла радиоузели орқали эълон қилиб борилади. «Мевазор» худудида иккита мактаб, иккита боғча бўлиб, жонкуяр кишилар улар билан муштахам алоқа ўрнатилган. Лозим бўлса, хашарлар уюштирилиб, ён-атроф ободонлаштирилади. Умуман, мевазорликлар азалдан покизаликка, кўкаламзорлаштириш масаласига алоҳида эътибор бериб келадилар. Фаоллар кўпчилик фикр-мулоҳазаларини ало-

ҳида инobatға олишади. Нуронийлар тақлифига кўра маҳалла гузаридан сартарошхона очилганлиги барчани хушнуд этди. Кўркам қурилган дўкonda рўзгор учун зарур бўлган сархил неъматлар ҳамиша мавжуд. Мева-сабзавот дўкони ҳам асқотмоқда. Сўнги ойлрда кўчаларға асфальт, канализация қувурлари ётқизилди. Фидойи инсон **Аҳмад ака Турдиевнинг** таъкидлашича, маҳалла аҳли Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллик тўйига катта тараддуд кўрмоқда. Аксарият бинолар, уйлар безатилганлиги, дов-дарахтларға шакл берилганлиги, хонадонлар ёнгинасидаги гулзорлар меҳр билан парвариш қилинганлиги маҳаллага файзу тароват бахш этмоқда. Энг муҳими, одамлардаги кўтаринки кайфият, меҳру оқибат ўзаро аҳилликни кучайтирмоқда. Зеро, ҳамжихатлик бор жойда ишлар бароридан келаверади.

Аскар ШОКИР,
«Ишонч» муҳбири.

Болалар — бизнинг келажакимиз

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК»

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан 2001 йилнинг 1 июнидан эътиборан, 14 ёшгача бўлган болаларга атаб очилиб, 5 йил давомида амал қиладиган, янги «Болалар келажакимиз» жамғарма омонатига пул маблағларини жалб этишни давом эттира бошлади.

Ушбу омонатнинг миқдори ва қўйиш муддатига мутаносиб равишда йиллик 38 дан 50 фоизга қадар даромад тўланади.

Сиз омонатга пулингизни «Пахтабанк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ҳамда улар бўйича ҳар 3 ойда фоизли даромадларни олиб боришингиз мумкин.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЁРУҒ ВА ФАРОВОН БЎЛСИН!

Тел: 173-25-56, 78-10-32

Газетхон илтимосига биноан

Зебо Наврўзова: ЭЛНИ, ЗАМОНДОШНИ УЛУҒЛАШ – КАТТА БАХТ!

Театр ва кино актрисаси билан суҳбат

Зебо Наврўзовани илк бор экранда — «Феллини» бадий фильмида кўрган, режиссёр Нозим Аббосов топширган ролни ўринлатиб ўйнаганидан хурсанд бўлиб, табриклаган эдим. Бир неча дақиқада, бир-икки эпизодда у ўз қахрамонининг айна бир чоғдаги ҳолатинигина эмас, таржимаи холини, тарбиясини, турмуш тарзини таърифлай олганди. Унинг ҳатти-ҳаракатида, эхтирос билан айтадиган сўзларида шунчалик маъно кўп эди. Шўролар даврининг сўнгги йиллари фожелари, драматик воқеаларига бағишланган эди бу фильм.

— «Феллини» фильмини Калькуттада кўрсатишгач, бу асарнинг, менинг ҳам мухлисларим сони кўпайиб кетди, — дейди Зебо. — Савол кетидан савол ёғилверди. «Экрандаги кўринишлар ҳеч ясама, декорация эмас, сиз — актёрлар ролларни ижро этмагансиз, ўйнамагансиз, балки фильмга яратилган муҳитда яшагансиз?» Бунга қандай эришгансиз? Аслида фильми яратиш осон кечмаган. Орол бўйида, яна денг ёзнинг иссиқ кунлари суратга олинган эди у.



Актрисанинг мулоҳазалари мени янги-янги саволларга жавоб олишга ундади:

— Нозим Аббосов аслида кино расоми. Эскизлари бир-биридан гўзал, сермазмон. У кадрлар, мизансаҳна, портретлар, манзараларга чуқур маъно беришга, тасвирга урғу беришга ошмади. Актёрларга муносабати қандай? Сиз — актёрлар эркин ижод этишингиз учун шароит яратадими?

— Масалан, суратга олишдан олдин мен билан суҳбатлашарди. Эпизодни қандай тасаввур этишини, менинг қахрамоним қандай ҳаракат қилиши лозимлигини кўрсатарди. Мен эхтирос билдирмас, айна вақтда қахрамонимнинг ҳолатини, мураккаб кечинмаларини қай тарзда ифодаламоқчи бўлганимни айттардим. Кейин ўша сахнани ўйнаб, бироз тинчланганимдан сўнг «энди қандай ўзгартиш киритсангиз ихтиёрингиз» дердим. Ўзгартишлар кам киритиларди эди... Таклифим инобатга олинганидан беҳад хурсанд бўлардим.

— Сиз «Аёллар салтанати» фильмида ҳам рол ўйнагансиз. Режиссёр Юсуф Розиковнинг актёрлар билан ишлаш услуби ўзгача-ку?!

— Юсуф ака аёлларга бағишланган асар яратганидан бахтиёрман. Катта тўйикматражли фильмда севилган ва севган, катта орзу-умидлар билан яшайдиган қизалоқлар,

ларда юришим, хатти-ҳаракатим маромини ўша сахнага мослар, оқил маслаҳатлар берарди.

— Фильм сиз тушган кадрлар билан бошланганини билармидингиз? Бу катта психологик лавҳа асарнинг шаклини, йўналишини белгилаб берган.

— Билмас эдим. Сценарий баъзан ўзгариб кетади. Айниқса, Юсуф Розиковдек — драматург режиссёрлик қилганида. Лекин ўша сиз тилга олган эпизоднинг суратга олиниши дақиқалари ёдимда умрбод қолса керак. Тун. Ёмғир ёғаётди, атроф ёп-ёруғ, шамол эсиб турибди. Менинг қахрамоним эса югуриб келиб, эшикни тақиллатиб, уйга кириб, эрини излайди. Биргина ҳолат — эшикни қандай очиб кераклиги ҳақида жуда кўп ўйлаган, машқ қилган эдим. Аста эшикни очсам, қахрамонимнинг бир кайфияти маълум бўлади, тегиб очсам бошқача...

— Зебохон, мен яхши актёр ижодини ёзувчининг қалам билан меҳнат қилишига ўхшатаман. У бамисоли кўриб тургандек қахрамони юриш-туришини, сўзлаши, тинглаши дақиқаларини — умуман фаолиятини, жисмоний ҳаракатини жуда аниқ белгилаб олади. Ёзувчи фақат сўз ёрдамида тасвирласа, актёр қахрамонни бевосита гавдалантиради. Шундай экан, ўзингиз қалам тебратингиз келмайдими?

— Уйда юмуш билан банд бўлганимда ҳам, машқ, мутулаа қилаётганимда ҳам экстремал, фавуқлода ҳолатга тушиб қолган аёл ўзини қандай тутайди, бундай вазиятда унинг қандай фазилатлари намоён бўлади — ана шу масала юзасидан мушоҳада қиламан. Кейин қозоғиза ўйларимни, кўз ўшларимни тўқаман бамисоли. Кейин ўқисам, кинонинг эпизодлари, айрим лавҳалари кўз ўнгимда гавдаланади. Яна ёзим, тасаввуримдаги образ ва воқеаларни экранга олиб чиққим келади.

Суҳбат узоқ давом этди. Мавзу ранг-баранг бўлди: Парижда ва Амстердамда Зебо Наврўзова иштирокидаги спектаклнинг шўхрат қозониши ҳамда шу кунларда Бойсунда суратга олинган «Дилхирож» бадий фильмидаги ажойиб рол ҳақида, буюк устозлар, ижоднинг машаққатли дақиқалари ҳақида гаплашдик... Сафарга, янги рол ўйнашга тайёрланган суҳбатдошимга оқ йўл тиладим.

Ҳамидулла АКБАРОВ.



Бозорлар — юрт кўрки. Элнинг фаровонлиги бозорлар тўкин-сочинлиги, арзонлиги билан белгиланади. Юнусобод бозори ҳам мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлардан ҳисобланиб, ўзининг шарқона қиёфаси билан шаҳримиз аҳолисига манзур бўлмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

“ҚАНОТИНГ БЎЛАЙ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!”

Гулистон шаҳрида “Қамолот кунлари”нинг якунига бағишланган “Қанотинг бўлай, Ўзбекистони!” мавзуда ёшлар форуми ўтказилди.

“Қамолот кунлари” тадбирлари доирасида дастлаб спорт мусобақалари ўтказилди. Марказий ўйингоҳ барча туманлардан келган 28 минг нафар ёшлар билан гавжум бўлди. Маҳалла жамоалари ўртасида футбол, волейбол, баскетбол, тош кўтариш, кураш, каратэ, тазквондо, кик-боксинг, армреслинг каби спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилиб, унда спортчилар ўз туманларини ҳимоя қилиш учун астойдил беллашди.

Тадбир давомида вилоятдаги истеъдодли, қалби қайноқ ёшлар ўртасида “Қамолот ёшлар таянчи”, “Хушёрликка давват”, “Ёшлар XXI асрда гийҳанд моддаларга қарши” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Шунингдек, тадбирда вилоят ёш мусаввирларининг “Мустақиллик менинг тақдиримда”, “Мен ўзбек фарзандим” мавзуларидаги кўргазмалари ўтказилди. “Қамолот кунлари”нинг ёпилиш маросими санъаткорларнинг чиқишлари билан якунланди.

“Туркистон-пресс”

Футбол

Афсус, пахтачлар етти қават кўрпачага ўтказмоққа ҳозир турганимиз — терма жамоамиз панд берди. Жаҳон футбол рейтингининг қуйи ўринларидан жой олган, ҳатто қитъада ўртамиёна команда ҳисобланмиш Бирлашган араб амирликларининг ўртача ўйин кўрсатган футболчилари асосан легионерлардан ташкил этилган ва имконияти жиҳатидан гуруҳ голиби бўлишга энг муносиб жамоани қутилмаганда қақшатқич мағлубиятга учратиб, ўзига хос сенсация муаллифига айланди.

да ўтирган Дионисиев терма жамоага қандай ёрдан бера оларди?

Саволлар, саволлар... Улар мантиқий равишда бошқа бир саволни ўртага ташлайди. Эҳтимол, Малайзияда бўлиб ўтган «Мердека» турнирида қутилмаганда (!) голибликни қўлга киритган экспрементал (?) терма жамоани Қосимов, Ширшов,

МУХЛИСЛАР ҚАТТИҚ РАНЖИШДИ

Бундан мураббийлар тўғри хулоса чиқариб олишармикан?!

Бу мағлубият бизга бундан икки йил бурун Ливанда ўтказилган Осиё биринчилигида терма жамоамизнинг японияликларга 1:8 ҳисобида ўйинни бой берган аламли лаҳзаларни ёдга солди. Наҳотки, тарих қайтарилаётган бўлса? Ахир, ўтган вақт ичида ўшандай ҳолга такрор тушиб қолмаслик учун озмунча тер тўкилдими? Наҳотки, ҳаммасини яна бошидан бошлаш лозим?!

қандай бўлади? Етдим, деганда йиқилмайимизи ишқилиб?

Бизни ранжитаётган, очиги, мағлубият ҳам эмас. Бунинг энди кўриб турганимиз йўқ. Ҳамма гап намойиш этилаётган ўйин мазмунини, майдонда ҳаракат қилаётган футболчиларнинг ўз зиммасидаги масъулиятли вазифани қандай удралаётганида. Юз фоиз ишонч ҳосил қилдикки, БАА билан ўтказилган учрашувда кўрсатилган ўйин билан ҳеч нарсага эришолмаймиз, ҳеч қаерга бормаймиз ҳам.

1:4! Албатта, футболда бундан баттари ҳам учрайди. Ҳатто кучли командалар бирда бўлмаса бирда, агар таъбир жоиз бўлса, теп-текис майдонда қочқилиб, бурниларини қонатиб олганларини кўп эшитганимиз, кўрганмиз ҳам. Ахир, «олдуз»лардан ташкил топган Бразилия, Англия, Германия, Италия терма жамоалари ҳам ютқазилмади-ку! Шундай экан, Абу-Дабидаги бу кўнгилсиз натижадан шунчалик изтиробга тушиб шартми?!

Яширининг ҳожати йўқ — биз майдонда ўн бир футболчини кўрдик холос, командани эмас. Бир муштга айланган жамоа бўлмас экан, юлдузлар ҳам ҳеч нарса қилолмаслигини эса жаҳон грантлари иштирокидаги ўйинлардан яхши билармиз. Афсуски, мухлислар катта умид боғлаган В.Сальхов бунинг уддасидан ҳозирча чиқолмапти.

Таскин топишга ундовчи бундай ички даъватларни, ўйлаймики, бугун ҳар бир мухлис ўз-ўзига тиламоқда. Ростдан-да, шунга шунчанди, ахир ўйинлар энди бошланди-ку! Олдинда яна қанчадан қанча учрашувлар турибди. Аслида ҳамма гап шунда-да. Уларнинг натижаси

Беҳитиёр савол тугулади: макталган Георгиев ва Пашинин қаерда юришибди? Маминов-чи? Биз аввал ушн жароҳати туйғайли Тошкентга келолмади, деб ўйлаб юрган эдик. Ваҳоланки, у ўз жонаҳон «Локомотив» билан Европа сафари тадоригида экан. Ўз «Левски»сида захира-

Ирисметов каби энг мохир ва зарур легионерлар билан тўлдириб, бир қатор ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, бўлажак баҳсга пукта тайёрларик кўрган афзал эмасмиди?! Ҳар қалай бу қайси ўйинчи келади, қайси бирини ўз жамоасидан қўйиб юборишмайди, деб фол очиб ўтиришдан самаралироқ эдим...

Шукрки, Осиё қитъаси Иккинчи саралаш босқичи БАА - Ўзбекистон ўртасидаги биргина матчдан иборат эмас. Яна бир неча кундан кейин Тошкентда Қатар терма жамоасини қабул қилиб, худо хоҳласа, галаба нашидасини сурган пайтимизда юрагимизни хижил қилган айрим хириликлардан фориғ тортармиш. Лекин бу биз кўйган юқоридаги саволлардан бутунлай халос қилолмайди. Уларга илоҳи борича ошиғич ва ўринли жавоб олмоғимиз даркор. Ушандагина мухлислар хотиржам ухлашадди, бу менинг термам, деб фахрланишадди.

Албатта, футболда ҳар нарса бўлиши мумкин. Ҳатто қўштирноқ ичидаги «ўйин»лар ҳам. Ҳаммасидан биз шуни истамаймиш. Ахир ўртада миллат шаъни ва биз яшаётган юрт шарафи турибди.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Мамлакатимиз мактабларида янги ўқув йиллига катта тайёргарлик кўрилоқда. Ҳозирнинг ўзида кўпгина билим ўчоқлари зарур ўқув ашёлари билан таъминланди.

ТУҲФА

Бунда «Дека» деб номланган ўзбек-рус қўшма корхонасининг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Турли асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш билан шугулланаётган мазкур корхона Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бюротмаларини ҳам адо этиб келмоқда.

Дарсда ва амалий машғулотларда фойдаланиладиган кўргазмаларни ўқув куроллари тайёрлашга ҳам киришилди.

Ўзаро келишувга биноан корхона йил охиригача шундай маҳсулотлардан учминг донасини ишлаб чиқариб, жойларга юборди.

ШИФОБАХШ «САБУР»

Алой - ниёзгуллар оиласига мансуб бўлиб, унинг кўпгина турлари, асосан Жанубий Африкада ўсади. Дунё формацевтика амалиётида алойнинг бир қанча турларидан фойдаланилади.

Тиббиётда алой шираси шифобахш суяклик сифатида жуда қадри. Баргларидан олинган суяклик қуритилса, яшил-кўнгир рангли каттик шира ҳосил бўлади.

«Сабур» деб юритилган бу модда тиббиётда қимматли дори сифатида ишлатилади.

овқатни ҳазм қилиш жараёнини яхшилашда, бўгин яллиғлашиши, 12 бармоқли ичак ва ошқорзон яраси, тери сили қаби бир қанча касалликларни даволашда, шунингдек, қон тўхташда, чипқон ва ҳар хил бошқа яраларни даволашда сабурдан кенг фойдаланилади.

Бундан ташқари, алой таркибиде алоин деган модда бўлганини сабабли у тана ҳаётчанлигини оширишда, микробарлини қиришда катта фойда беради.

Биласизми?

ҲАР СЎЗДА ҲИКМАТ

«Интернет» ибораси халқаро ахборотлар тармоғи деган инглизча сўзларнинг қисқартмасини билдиради. Ривожланган мамлакатларда ахборотлар тармагини яратиш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан банд бўлган соҳалар етакчи тармоқларга айланган.

Масофадан туриб ўқитишни амалга оширишга имкон яратган интернет тизими 1969 йлда АКШда «АРПАNET» номли компьютерлар

мажмуи асосида яратилган. Дунё электрон манзилар чизмаси ва кодларининг мажбурий тизими ўрнатилиши билан глобал интернет тармоғи вуждага келди. Кейинчалик таълим, илмий-тарққийёт соҳаларига ҳам тарқалди.

Янги ахборотлар технологияси билан боғлиқ бўлган бугунги ҳаётимизда турли электрон атамалар кенг ишлатилмоқда.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Мафтункор шаҳарларимиз

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ДОВРУҒИ

театр биноси ҳайратомуз тарзда кўзга ташланади. Бу ердаги қурилиш ишлари ҳам ҳадемай охирига етади.

Биласизки, қадимий Термиз ўзининг нодир тарихий обидалари билан дунёга довруғ таратган. Термизнинг 2500 йиллиги муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққан эди. Шу қарорга кўра, Термиз худудидаги Султон Саодат, Қокилдор ота, Қирққиз, ал-Ҳаким ат-Термизий тарихий мажмуаларида таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Таъмир-

лашда 130 нафар тажрибали усталар қатнашмоқда. Бу обидаларда 270 миллион сўмлик таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Ҳозирга қадар эса 150 миллион сўмлик иш бажарилди.

Тарих қайси бир маънода бизнинг қиёфамиз, маънавий томирларимиз, ҳаётбахш булогимиздир. Масалала шу нуктаи назардан қарайдиган бўлса, таъмирланаётган обидалар сурхондарёликлар учун ҳам, ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ҳам олис ўтмишдаги боболаримиз-

нинг нақадар заковатли эканликларидан ҳикоя қилади.

Сурхон воҳаси ўзининг бошқаларга ўхшамайдиган ноёб санъати, маданияти билан ҳам жаҳоннинг назарига тушган. Масалан, бугун «Бойсун» фольклор-этнографик дастаси оламга машҳур. Сурхондарё санъати турфа гуллардан тўпланган гулдастага ўхшайди. Чунки Сароисидега «Дашнобод» фольклор-этнографик дастаси Олтинсойнинг «Вахшвор» дастасига ўхшамайди. Айни пайтда Бойсун Термизга,

шундай катта имконият берилмоқда. Биз кутлуғ байрам шарофати билан миллионлаб одамларнинг нигоҳидан, имтиҳонидан ўтамиз. Лекин Сурхондарёнинг чанқовуз ва дўмбраси кўпчилигининг эътиборини тортишига шубҳамиз йўқ. Бундан ташқари, аёлларнинг урчуқ ўйини ва йигитларимизнинг кўпқариси кўпчиликка манзур бўлади, деган умиддамиз.

Саҳнада юртпарвар Алпомуш ва садоқат тимсоли бўлган Барчиноилар ҳам намоён бўлади. Хуллас, байрам дастурда вакилларимиз ўзига хос ва мос бўлган жиҳатлари билан кўзга яққол ташланади.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириб вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва саққиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.